

**ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИДА ХАВФСИЗ ЮК ТАШИШ  
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**  
**Абдусалом Ортиқович НАЗАРОВ**

магистрант

Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби  
Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда транспорт тизимини ривожлантириш ва тез бузиладиган юкларни халқаро автомобиль ташувлари орқали ташиш соҳаси таҳлил қилинган. Тахографлар орқали ҳайдовчи ҳаракатини назорат қилиш аҳамияти ва унинг амалга оширилмаётганлиги юк ташиш жараёнида йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келиши муаммолари баён этилган.

**Таянч сўзлар:** тез бузиладиган юклар, автотранспорт воситалари, тахограф, логистика, ҳайдовчи.

**ПРОБЛЕМЫ БЕЗОПАСНОЙ ПЕРЕВОЗКИ ГРУЗОВ В  
ТРАНСПОРТНОЙ ЛОГИСТИКЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ РЕШЕНИЯ**  
**Абдусалом Ортиқович НАЗАРОВ**

магистрант

Высшая школа стратегического анализа и прогнозирования  
Ташкент, Узбекистан

**Аннотация**

В данной статье проанализирована сфера развития транспортной системы Узбекистана и перевозки скоропортящихся грузов посредством международных автомобильных перевозок. Освещена важность контроля режима работы водителей с помощью тахографов и отмечено, что его несоблюдение приводит к увеличению количества дорожно-транспортных происшествий в процессе перевозки грузов.

**Ключевые слова:** скоропортящиеся грузы, автотранспортные средства, тахограф, логистика, водитель.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлмиш транспорт тизимини ривожлантириш, соҳадаги хизматлар сифатини яхшилаш устувор йўналишлар қаторида эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда республика ЯИМда хизматлар, хусусан, транспорт хизматларига бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги, ушбу соҳани янада ривожлантириш, тармоққа миллий ва чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этиш, маҳаллий ташувчи фирмаларнинг молиявий барқарорлигини

таъминлаш асосида мамлакатда янги ишчи ўринларини яратиш имконини беради.

Транспорт логистикасида тез бузиладиган маҳсулотларни автомобилда халқаро ташувларининг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида тез бузиладиган маҳсулотларни автомобилда халқаро ташувлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига ҳамда 1970 йил 1 сентябрда Женева шаҳрида (Швейцария Конфедерацияси) имзоланган Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ва ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги битимлар (СПС) билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу битимга аъзо ҳисобланади [1].

Битим талаблари қуйидаги товарларга нисбатан татбиқ этилади:

*Музқаймоқ, музлатилган ёки тез музлатилган (чуқур музлатилган) балиқ, балиқ маҳсулотлари, қобиқли балиқлар, қисқичбақасимонлар ва бошқа барча тез музлатилган (чуқур музлатилган) озиқ-овқат маҳсулотлари, барча музлатилган овқатлар, ёғ, белгиланган жойда дарҳол қайта ишлаш учун келтирилган чуқур музлатилган ва музлатилган озиқ-овқат маҳсулотлари, концентрланган мева шарбати, хом сут, гўшт маҳсулотлари (тузлаш, қуритиш ёки стерилизация қилиш йўли билан тўлиқ қайта ишланган маҳсулотлар бундан мустасно), пастеризацияланган сут, сариёғ, янги сут маҳсулотлари (йогурт, кефир, қаймоқ), тайёр овқатлар (гўшт, балиқ, сабзавотлар), тайёр хом сабзавотлар (куб, тилим ёки майда бўлақларга кесилган хом сабзавотлар киради. Фақатгина ювилган, тозаланган ёки оддийгина ярмига бўлинган сабзавотларга тегишли эмас), паррандалар ва қуёнлар, хом балиқ, қисқичбақасимонлар (тиригидан ташқари) [2].*

Битим сабзавот, мева ва кўкатларни ташишда қўлланилмайди. Одатда айрим инспекторлар ушбу маҳсулотларни тез бузиладиган товарлар деб ҳисоблашади ва шу сабабли уларга нисбатан Божхона кодексининг

251-моддасига асосан божхона расмийлаштирувнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилиб, расмийлаштирувнинг биринчи навбатда амалга оширилиши ҳолатлари учраб туради [3].

Тез бузиладиган юклар асосан ҳарорат режимига риоя қилган ҳолда изотермик кузовли (фургонларда, рефрижераторларда ва шу кабиларда) ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларида ташилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2018 йил 7 апрель 277-сон қарорида автомобиль транспортида ташишга тақдим этиладиган тез бузиладиган юклар рўйхати келтириб ўтилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Автомобиль транспортида ташишга тақдим этиладиган тез бузиладиган юклар рўйхати [4]**

| <b>Т/р</b> | <b>Юк номи</b>  |
|------------|---|
| 1.         | Музлатилган юклар (гўшт, калла-поча, ичак-човоқ, гўшт, қуш, балиқ, шпиг, тухумли музлатилган маҳсулотлар) |
| 2.         | Сариёғ  |
| 3.         | Эритилган мол ёғи, эритилган ёғ   |
| 4.         | Янги ва пастеризацияланган сут, сут маҳсулотлари (йогурт, кефир, қаймоқ ва янги пишлоқ)                   |
| 5.         | Бирламчи қайта ишлаш заводидан ташиладиган сут  |
| 6.         | Музқаймоқ   |
| 7.         | Ачитқи (Дрожжи)   |
| 8.         | Майонез   |
| 9.         | Маргарин  |
| 10.        | Турли пишлоқлар   |
| 11.        | Яшиқлардаги енгил тузланган сельд   |
| 12.        | Совутилган, муз билан аралаштирилган балиқ  |
| 13.        | Иссиқ дудланган музлатилган балиқ   |
| 14.        | Колбасалар ва қайнатилган колбаса маҳсулотлари  |
| 15.        | Тез музлатилган гўшт, балиқ, пазандалик маҳсулотлари, мева ва реза мевалар, қуюлтирилган мева шарбатлари  |

Божхона кодексининг 18-моддасига асосан тез бузиладиган маҳсулотлар ташилаётганда, тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш учун автотранспорт воситасига рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома божхона органига тақдим этилиши лозим.

Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда фойдаланилаётган автотранспорт воситалари автотранспорт воситаларини эксперт текширувларини ўтказиш асосида кўриқдан ўтказилади. Автотранспорт воситаларини кўриқдан ўтказиш тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ҳар бир автотранспорт воситаларига Битимга мувофиқ СПС гувоҳномасини беришни назарда тутди.

Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташувини амалга оширадиган автотранспорт воситаларида ҳарfli аббревиатураси АТР бўлган табличка бўлиши ҳам талаб этилади.

| <b>АТР</b>                       | Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ташишга рухсат берилган |
|----------------------------------|---|
| Рухсатнома рақами                | PL-COCH 1987/2018   |
| Транспорт воситаси давлат рақами | WSM000000000000001  |
| СПС харfli белгиси               | FRC   |
| Амал қилиш муддати               | 08-06-2022  |

**1-расм. Транспорт воситаси мувофиқлиги тўғрисида табличка намунаси [5].**

Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва фойдаланилаётган автотранспорт воситаларининг эксперт текширувлари «Техник жиҳатдан тартибга солиш» агентлигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган лабораториялар томонидан ўтказилади. Афсуски ҳозирги кунда мамлакатимизда *СПС гувоҳномасини бериш ваколатига эга лаборатория мавжуд эмас*. Шу сабабли ҳам тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари бу каби гувоҳномани олиш учун бошқа давлат тегишли идорасига мурожаат қилишига тўғри келмоқда.

Тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган янги тайёрланган автотранспорт воситаларининг эксперт текшируви улар тайёрланганидан 6 йилдан сўнг, келгуси йилларда эса – ҳар 3 йилда ўтказилади.

Халқаро транспорт логистикасида мавжуд муаммолардан бири сифатида автотранспорт воситаси учун белгиланган оғирлик (шу жумладан ўққа тушадиган оғирлик) ва ҳажм ўлчамларининг айрим давлатларда турлича эканлиги кўрсатиб ўтилади. Автотранспорт воситасига нисбатан манзил ёки оралик мамлакатларда бошқача стандартнинг назарда тутилганлиги ташқи савдода режалаштирилган ташувларни камайишига олиб келиши мумкин.

2-жадвал

**Автотранспорт воситалари параметрлари меъёрлари**

| Автотранспорт параметрлари  | ЕИ/РФ/<br>Туркия | Қирғ | Ўзб  | Қоз  | ХХР  |
|---|------------------|------|------|------|------|
| <b>Транспорт воситаси максимал узунлиги, м М3, N3 и O4</b>                                  |                  |      |      |      |      |
| Автопоездлар:   |                  |      |      |      |      |
| Ўзи тортиб борувчи (седелли)  | 16,5/20/16,5     | 20   | 20   | 16,5 | 16,5 |
| Тиркамали (прицепли)  | 18,75/20/18,75   | 20   | 20   | 20,0 | 20   |
| <b>Транспорт воситаси максимал оғирлиги, т N3 и O4</b>                                      |                  |      |      |      |      |
| Юк автотранспорт воситалари:  |                  |      |      |      |      |
| Уч ўқли автомобиль  | 25,0             | 25,0 | 26,0 | 25,0 | 25,0 |
| Беш ўқли автомобиль   | 32,0             | 32,0 | 32,0 | 38,0 | 32,0 |
| Комбинацияланган транспорт воситаси ўзи тортиб борувчи автопоезд:                           |                  |      |      |      |      |
| Икки ўқли тягач икки ўқли ярим тиркама билан, ярим тиркама ўқлари орасидаги масофа 1,8 метр | 38,0/36,0/38,0   | 38,0 | 38,0 | 36,0 | 38,0 |
| Икки ўқли тягач уч ўқли ярим тиркама билан  | 40,0             | 38,0 | 40,0 | 40,0 | 40,0 |
| Уч ўқли тягач икки ўқли ярим тиркама билан  | 40,0             | 38,0 | 40,0 | 40,0 | 40,0 |
| Комбинацияланган транспорт воситаси тиркамали автопоезд:                                    |                  |      |      |      |      |
| Уч ўқли юк автомобили икки ўқли тиркама билан   | 40,0             | 42,0 | 40,0 | 44,0 | 43,0 |
| Уч ўқли юк автомобили уч ўқли тиркама билан   | 40,0/44,0/40,0   | 44,0 | 44,0 | 44,0 | 49,0 |

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, турли мамлакатларда автотранспорт воситалари параметрлари меъёрлари бир хилда эмас. Бу каби омиллар *товарларнинг чегара ўтказиш пунктларида узоқроқ туриб қолишига, қўшимча пул маблағлари тўланишига ёки мамлакат ҳудудида ҳаракатланиш тақиқланишига* олиб келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ўз контрагент ҳамкор давлатлари билан автотранспорт воситалари параметрлари меъёрларини бирхиллаштириш борасида самарали

ишларни ривожлантириши ташқи савдода ўз ижобий самарасини бермай қолмайди.

Ҳайдовчи томонидан автотранспорт воситасини узоқ муддат давомида бошқариш чарчоқ ва уйқуни чақирини натижасида бошқарув вақтида ҳайдовчининг ухлаб қолишига ҳамда бунинг натижасида эса йўл транспорт ҳодисаси юзага келишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда “Халқаро автомобилда ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари экипажлари ишига дахлдор Европа битимига қўшилиш ҳақида”ги 685-I-сон қарорига асосан мамлакатимиз ушбу битимга қўшилган. Битим талабига кўра транспорт воситаси тезлиги, ҳайдовчи иш режимини рўйхатга олиш учун мўлжалланган транспорт воситасига ўрнатилган бошқарув мосламаси – тахограф назорат қилиб борилиши лозим [6].

Битимда кўзда тутилган талабларнинг энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

ҳайдовчи томонидан энг кўп узлуксиз автотранспорт воситасини бошқариш муддати 4,5 соатдан ошмаслиги;

ҳайдовчи томонидан кунлик энг кўп автотранспорт воситасини бошқариш муддати 9 соатдан ошмаслиги (хафтасига 2 маротаба кунига 10 соатдан бошқариш мумкин);

ҳайдовчи томонидан икки ҳафтада энг кўп автотранспорт воситасини бошқариш муддати 90 соатдан ошмаслиги;

ҳайдовчи томонидан автотранспорт воситасини бошқариш давомида энг кам дам олиш муддати 45 минутдан кам бўлмаслиги;

сутка давомидаги дам олиш муддати 11 соатдан кам бўлмаслиги;

ҳафта давомидаги дам олиш муддати 45 соатдан кам бўлмаслиги.

Европа Иттифоқи ҳудудида ҳайдовчи белгиланган меъёрдан ортиқча ҳаракатланган ҳар бир дақиқа учун жарима жорий этилган. Ўрнатилган қонунлар бузилганлиги учун жавобгарлик инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида кучайтирилган. Ҳайдовчи томонидан Европа Иттифоқига

юк олиб бориш жараёнида белгиланган дам олиш ва автотранспорт бошқарувида бўлиш тартибига амал қилинмаслиги натижасида, ташувчи бунинг учун белгиланган жарима миқдоридан ҳатто банкротлик ёқасига келиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида”ги 1995 йил 11 январь 11-сон қарорининг 7-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига республикага кириб келаётган автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўл қўйиладиган оғирлик ва габарит параметрларини, *халқаро юк ва йўловчилар ташишни амалга оширишда Европа битими (ЕСТР) талабларига мувофиқ уларда назорат приборлари (тахографлар) мавжудлигини ҳисобга олиш ва назорат қилиш юклатилган* [7].

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига (*Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш*) кўра ҳайдовчиларнинг шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобусларни назорат асбобларисиз (тахографларсиз) ёки тахографларни ўчирган ҳолда бошқариши базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган. *Халқаро юк ташишни амалга оширадиган автотранспорт воситалари учун эса жавобгарлик белгиланмаган* [8].

Халқаро юк ташишни амалга оширадиган автотранспорт воситаларининг назорат тахографларсиз ёки уларни ўчирган ҳолда ёхуд меъёрдан ортиқча ҳаракатланганлиги учун йиғимнинг жорий қилиниши божхона органлари махсус фондига келиб тушиши мумкин бўлган сумманинг ошишига ҳамда юзага келиши мумкин бўлган ЙТХлар сонининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида тахографлар назорати амалга оширилмай келинаётганлиги натижасида хорижий юк ташувчи ҳайдовчилар томонидан

автотранспорт воситасини хоҳлаган вақтида бошқараётганлиги сабабли, юк автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган ЙТХлар кўпаймоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЙҚХББ маълумотиغا кўра 2024 йилда Ўзбекистонда жами 9 364 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганлиги натижасида 2 203 киши ҳалок бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 3045 таси ёки 32,5 % юк ва йўловчи ташувчи автотранспортлар ҳиссасига тўғри келмоқда [9; 9].

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистонда транспорт тизимини ривожлантириш ва тез бузиладиган юкларни халқаро автомобил ташувлари орқали ташиш соҳаси катта аҳамият касб этмоқда. Республикада бу йўналишдаги қоидалар ва халқаро битимлар (СПС, тахограф назорати) жорий этилган бўлса-да, амалиётда уларнинг тўлиқ таъминланмаётганлиги, автотранспорт воситалари параметрлари ва ташувчиларнинг ҳаракат режимларидаги номувофиқликлар юк ташиш жараёнида хавф ва йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ошишига олиб келмоқда. Шу сабабли, транспорт логистикаси соҳасида қоидаларни такомиллаштириш, назоратни кучайтириш ва халқаро стандартларга мувофиқликни таъминлаш зарурлиги яққол кўринади.

Ҳолатни яхшилаш мақсадида хулоса ўрнида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ташувчиларга қулайлик яратиш мақсадида мамлакатимизда тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган СПС гувоҳномасини бериш ваколатига эга лабораторияларни ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳамкор давлатлари билан автотранспорт воситалари параметрлари меъёрларини бирхиллаштириш борасидаги ўзаро манфаатли ишларни ривожлантириш.

3. Халқаро юк ва йўловчилар ташишни амалга оширишда Европа битими (ЕСТР) талабларига мувофиқ транспорт воситаларида тахографлар мавжудлигини ҳисобга олиш ва улар назоратини жорий этиш.

4. Юк ташишни амалга оширадиган автотранспорт воситаларининг назорат тахографларсиз ёки уларни ўчирган ҳолда ёхуд меъёрдан ортиқча ҳаракатланганда жавобгарликни назарда тутувчи ҳуқуқий нормани қонунчиликка киритиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://lex.uz/uz/docs/-2441650>
2. <https://www.un-ilibrary.org/content/books/9789213585610c003/read>
3. <https://lex.uz/ru/docs/2876354>
4. <https://lex.uz/uz/docs/-3648032>
5. <https://digitallibrary.un.org/record/149754>
6. <https://lex.uz/docs/2702353>
7. <https://lex.uz/uz/docs/-532681>
8. <https://www.lex.uz/acts/97664>
9. [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf)